

**Вилоят ҳокими Шуҳратбек Қўшақбоевич Абдурахмоновнинг Андижон
шаҳридаги “Китоб олами” савдо дўконини очилиш маросимидаги
ТАБРИК СЎЗИ**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Қадрли маърифатпарварлар!**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шу мўътабар заминда яшаётган барча халқлар ўзаро ҳамжиҳатликда, тинч, осойишталикда яшаш бахтига муяссар бўлиб, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват неъматларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган доно сиёсат, кенг кўламли ислоҳатлар туфайли ҳар бир соҳада йилдан-йилга юксак натижалар қўлга киритилиб, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ҳаётини янада фаровон қилиш учун мустаҳкам асос яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳар соҳада салоҳияти юксак, бетакрор юртимиз Андижонда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бугунги ушбу зиё масканини очилиш маросими ҳам айна шу ҳақиқатнинг рўёби десак муболаға бўлмайди, албатта.

Азиз юртдошлар!

Вилоятимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилган ва уларнинг очилиш маросимларида қатнашганмиз. Аммо, мана шундай замонавий, шинам зиё маскани Китоб оламини очилиш маросими ўзининг эзгуликка хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги тез ўзгариб бораётган глобаллашув шароити, миллий манфаатларимиз, маънавиятимиз, адабиётимизнинг ўзига хос бетакрор ҳусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугун ушбу масканни очилиши аҳолимиз, айниқса, ёшларимизни китобга, мутолаага бўлган қизиқишларини яна бир карра оширишига хизмат қилади.

Зеро, кўп мутолаа қилган одамнинг дили пок бўлади, фақат эзгу мақсадларни кўзлайди ва унга етишиш учун астойдил ҳаракат қилади, бундай инсондан эса сира ёмонлик чиқмайди.

Ахборотлашган жамиятда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қанча ривожланмасин, китобнинг ўрни, аҳамияти асло йўқолмайди.

Янгидан-янги маънавият зиё масканлари, китоб савдо дўконлари, ахборот-ресурс марказлари барпо этилиб, бадий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар билан бойиб бораверади.

Жойларда кекса авлод вакиллари билан суҳбатлашганимда **“Бир умр китобдан ҳикмат излаб яшамоқдаман. Фарзандларим, яқинларимга доимо китоб совға қиламан. Чунки китобдан яхши дўст йўқ”** деган сўзларини жуда кўп гувоҳи бўлганман.

Ёшларда бадий адабиётга меҳр уйғотиш, китоб танлаш ва мутолаа маданиятини шакллантиришда бу каби масканларнинг аҳамияти катта.

Улуғларимиз айтганидек, китоб ёлғизликда ҳамроҳ, зимистонда зиё таратувчи, беминнат устозлик қилувчи, бебаҳо неъматдир.

Алломагаримизнинг ушбу ҳикматларига амал қилиб, китобни доимий ҳамроҳга айлантириш ҳаётий ҳақиқатдир. Шу боис оилавий китобхонлик анъаналарини сақлаш, китобни қадрлаш зарурлигини ёшларга қайта-қайта уқтирмоғимиз зарурдир.

Азиз Андижонликлар !

Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган улугвор ишларни амалга оширишга вилоятимиз аҳли ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бахтимизга Юртбошимиз доимо соғ-омон, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Бугунги очилаётган китоб дўкони Андижон халқининг салоҳиятини ва маънавияти юксалтиришига умид қилиб қоламан.

Зеро, Юртбошимиз такидлаганидек, **“Китоб маънавият, маърифат булоғидир”**. Яна бир бор барчаларингизни Истиқлолимизнинг 25 йиллик байрами билан чин юракдан табриклайман, Азиз ҳамюртлар!

Эътиборингиз учун раҳмат!